

## БОШЛАНГИЧ СИНФ ОНА ТИЛИ ВА ЎҚИШ ДАРСЛАРИДА АХБОРОТ-РЕСУРСЛАРНИНГ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ- МЕТОДИК МУАММО СИФАТИДА

**Юлдуз ПЎЛОТОВА**

Бухоро инновацион таълим

ва тиббиёт университети

Умумтаълим фанлар кафедраси

доценти, п.ф.б.ф.д. (PhD)

e-mail: pulotovaulduz752@gmail.com

**Аннотация:** мақолада бошлангич синф она тили ва ўқиши дарсларини интеграциялашнинг методик имкониятлари хусусида фикр юритилган. Жумладан, «Ўқиши китоби» дарслкларида берилган матнлар бошлангич синф ўқувчиларида нутқ кўникмаларини шакллантиришда восита хисобланади.

**Калит сўзлар:** она тили, ўқиши, интеграция, тил, нутқ, лингвистик компетенция, ўқитувчи, ўқувчи.

**Аннотация:** в статье рассматриваются методические возможности интеграции уроков родного языка и чтения в начальных классах. В частности, тексты, представленные в учебниках "книга для чтения", являются средством формирования речевых навыков у младших школьников.

**Ключевые слова:** родной язык, чтение, интеграция, язык, говорение, языковая компетенция, учитель, ученик.

Жаҳон билан бўйлашаётган Ўзбекистон Республикасининг таълим сиёсатининг мазмун-моҳияти ҳам “Ёшлиаримизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиш” ларига қаратилган, жумладан, она тили ва адабиёти фани ўқитувчилари олдига она тилини севадиган, қадрлайдиган, унинг бойлиги, гўзаллиги ва бетакрорлигини ҳис этадиган, лингвистик ва нутқий билим, малака ва кўникмалари ҳамда лаёқатлари етук ўқувчиларни тарбиялашдек

мухим вазифа қўйилган. Бу бадиий матнлар таҳлили асосида ўқувчиларда ҳаётий эҳтиёжга айланган прагматик компетенцияларни ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари тадқиқи долзарб эканлигини кўрсатади.

Она тили фанидан давлат таълим стандартлари – ДТСнинг малака талаблари бўйича ўқувчи шахсида шакллантирилажак ўз-ўзини жисмоний, маънавий, руҳий, интеллектуал ва креатив ривожлантириш; камолотга интилиш, мустақил ўқиб-ўрганиш; нутқий коммуникатив компетенциясини мунтазам ошириб бориш; ўз билими, хатти-ҳаракатини баҳолаш ва мустақил қарор қабул қилиш компетенциясини эгаллаш, тил имкониятларидан фойдаланган ҳолда фикрни тўғри, равон баён эта олиш қобилиятини ривожлантириш каби меъёрларга алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳар бир давлатнинг таълим соҳасида болаларда нутқ ўстириш тизимнинг асосий таркибий элементи сифатида эътироф этилган. Ўзбекистонда ҳам узлуксиз таълимнинг дастлабки босқичлари – мактабгача ва бошланғич таълим даврида болаларда нутқни ўстириш педагогик жараённинг муҳим йўналиши этиб белгиланган. Глобал ахборотлашув ва инновацион таълим муҳитининг шаклланиши, инсон капиталини ривожлантиришга бўлган ижтимоий эҳтиёжнинг ортиши ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш, интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш, бунда нутқ имкониятларидан фойдаланишни тақозо этмоқда.

«Интеграция» сўзи лотинча интеграцио — тиклаш, тўлдириш, «интегер» — бутун сўзидан келиб чиқсан. Бу борада икки тушунчага эгамиз:

1. Тизим, организмнинг алоҳида табақалаштирилган қисм ва вазифаларнинг боғлиқлик ҳолатини билдирувчи тушунча ва шу ҳолатга олиб борувчи жараён.

2. Табақалаштириш жараёнлари билан бирга амалга оширилаётган фанларни яқинлаштириш жараёни. Интегратив ёндашиш турли даражадаги тизимли алоқаларнинг объектив яхлитлигини акс эттиради. Интеграция илгари бўлинган қисмларни бир бутунга бирлаштириш билан боғлиқ.

Интеграциялаш мобайнида бир-бирига боғлиқлик ҳажми ошади ва тартибга тушади, шу тизим қисмларнинг ишлаши ва ўрганиш обектининг яхлитлиги тартибга солинади. Бу умумий қоидаларни қандай қилиб мактаб таълимида кўллаш мумкин?

Таълимдаги интеграция ўқув фанлари мазмунини конструкциялашга тизимли ёндашиш орқали кўриб чиқилади. Интеграциянинг турли даражалари ажратилади: бошланғич, билимларни бирлаштириш; оралиқ - фанлар бўлимларини бўлиш интеграцияси.

Шахс нутқини ўстиришда мактабгача ва бошланғич таълим босқичлари бошланғич давр бўлиши инобатга олинса, уларнинг такомиллаштирилиши, “бошланғич таълим мазмунини тўлиқ интеграллаштириш, мазкур мазмунда таълим-тарбия элементлари уйғунлигини таъминлаш” нинг нақадар долзарб аҳамиятга эгалигини кўрсатади.

“Нутқ”, “нутқ ўстириш”, “матн устида ишлаш”, “матн устида ишлаш орқали нутқ ўстириш”, “бошланғич синф ўқиш дарсларида матн устида ишлаш орқали нутқ ўстириш” кабилар муҳим таянч тушунчаларидир. Уларнинг моҳиятини етарлича англаш муаммонинг тўғри, оқилона ечимини топишга имкон беради.

Назарий таҳлил “нутқ” тушунчасига мавжуд тилшунослик, педагогик, психологик ҳамда методик адабиётларда турлича изоҳлар берилганлигини кўрсатди. Хусусан, “Педагогик энциклопедик луғат”да нутқ “инсонларнинг тил воситасида амалга ошириладиган мулокот (коммуникация) шакли бўлиб, у фикрни ифодалаш воситаси бўлиши билан бирга фикрлашнинг асосий механизми”, “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да нутқ деганда унинг оғзаки (овозли) ва ёзма равишда намоён бўлишидаги жараёнлар, яъни сўзлаш жараёни ва унинг натижаси (хотирада сақланган ёки ёзувда қайд этилган нутқий фикрлар, асарлар)”, дея эътироф этилади. Психологлар томонидан нутқ “одам томонидан ижтимоий-тарихий тажрибани ўзлаштириш ва авлодларга бериш ёки ўзаро алоқа ўрнатиш ёки ўз

ҳаракатларини режалаштириш мақсадида тилдан фойдаланиш жараёни”, деб таърифланган. Методик олимлар томонидан нутқ “киши фаолиятининг тури, тил воситалари (сўз, сўз биримаси, гап) асосида тафаккурни ишга солиш” сифатида ҳам талқин этилган. Бир сўз билан айтганда, нутқ ижтимоий субъектларнинг тил воситасида амалга ошириладиган фаолият туридир.

Нутқда қуидаги хусусиятлар намоён бўлади:

- 1) фикрни баён этиш эҳтиёжини амалга оширишга қаратилади, тугалланган мавзуни ифодалайди, логик ва грамматик қоидалар асосида тузилади, мустақил, тугалланган, ўзаро боғланган маъноли қисмларга бўлинади (у боғланишли нутқ деб аталади);
- 2) оғзаки ва ёзма шаклда ифодаланади;
- 3) оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантириш ягона жараёнда кечади;
- 4) шунга қарамай, оғзаки ва ёзма нутқ орасида жиддий тафовутлар мавжуд (улар ҳақида ишнинг кейинги бобида батафсил сўз юритилади);
- 5) нутқ мулоқот чоғида иштирок этувчиларнинг сонига кўра диалогик ва монологик каби турларга бўлинади;
- 6) диалог оғзаки нутқнинг кенг тарқалган турларидан, нутқий мулоқотнинг табиий шаклларидан бири бўлиб, икки ёки бир неча шахс ўртасида кечади;
- 7) оғзаки нутқ, табиатига кўра, кўпроқ суҳбат шаклида юзага келади;
- 8) нутқнинг жуда муҳим шаклларидан бири саналадиган монолог диалогга нисбатан мазмунни ифодалаш учун тил воситаларини танлаш, нутқнинг курилишига кўра бир қадар анъанавийликка эга.

«Ўқиши китоби» дарсликларида берилган матнлар бошланғич синф ўқувчиларида нутқ кўникмаларини шакллантиришда восита ҳисобланади. Бошланғич синфларда ўқиши дарсларининг асосий мақсади ўқувчиларни матн мазмунини тўғри тушуниш, онгли ва ифодали ўқий олиш, матнда берилган ахборотни идрок қилиш, матнда ифодаланган воқеликка нисбатан муносабат билдиришга тайёрлашдир. Шунга кўра, бошланғич синф

ўқитувчиси методик тайёргарликни дарснинг мақсади, ўрганилаётган материалнинг мазмуни, ўқувчиларнинг мавжуд билим, кўникма, малакалари даражасига кўра амалга оширади. Ўқувчиларни асар матнини ўқишга тайёрлашда, биринчи навбатда, уларни матн мавзуси, тили, ғоявий мазмунни ва бадиий-эстетик қиймати билан танишириш, матн мазмунидан тегишли хулоса чиқаришга эътибор қаратилади. Ўқиши фаолияти ҳам нутқнинг алоҳида кўриниши ҳисобланади.

Ўқувчининг ўз фикрини қанчалик мазмунли, аниқ ва тўғри ифодалай олиши унинг ўқув-билиш фаоллиги даражасини, кўникма ва малакаларини аниқлашга имкон беради. Ўқиши дарсларида матнни идрок қилиш ва мазмун-моҳиятини ўзлаштириш юзасидан қўйилган савол ва топшириқлар ўқувчиларни ўйлашга мажбур қилиши, жавоб беришда муаллиф қўллаган иборалардан, бадиий тасвир воситаларидан фойдаланишга қаратилиши, нутқда кўпроқ ўзи учун янги сўз ва ибораларни ишлатишга ундаши лозим.

Матнни ўқиши қўникмасига эгалик, ўз навбатида, ўқувчи нутқини бойитувчи муҳим омиллардан бири саналади.

Ўқитишининг мустақил қисми бўлган ҳар қандай дарс таълимий, ривожлантирувчи ва тарбиявий мақсадни амалга оширишга хизмат қиласди. Ҳар қандай дарснинг умумий мақсади “ўқувчиларга билим бериш ва улар олган билимни амалда қўллай оладиган даражага етказишга эришиш, ҳар бир ўқувчида комил шахсга хос фазилатларни шакллантиришдир.

Бошланғич таълимга оид “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари”да “Ўқиши” дарслари олдига қўйиладиган дидактик талаблар ўқувчилар эътибори нимани ўрганиш ва нимани эсда сақлаб қолиш керак эканлигига қаратилишидан бошланади.

Матн устида ишлаш орқали ўқувчиларни ижодий, мустақил ва мантиқий мушоҳада юритишга, матнни таҳлил қилиш ва унга ўз муносабатини билдира олишга ўргатиш ўқитувчидан катта маҳорат талаб этади.

7-9 ёшдаги болаларда “ёзма нутқ ҳам шаклана бошлайди... Ёзма нутқни эгаллаши асосида уларда турли матнлар ҳақида маълумотлар юзага келади. Бу даврда ёзма нутқ эндиғина шаклана бошлаганлиги боис, болаларда ҳали ўзи ёзган фикрларни, сўз ва ҳарфларни назорат этиш кўникмаси етарлича ривожланмаган бўлади. Шу билан бир қаторда, унга ижод қилиш имконияти берилади. Мустақил ижодий ишлар бошланғич синф ўқувчиларида берилган мавзуни англаш, унинг мазмунини аниқлаш, фикрини баён этиш учун маълумот тўплаш, муҳим жиҳатларини ажратиб олиш, уни маълум кетма-кетликда амалга ошириш, режа тузиш кўникмасини хосил қиласи. Жумлаларни тўғри тузиш, айнан шу мазмунга мос сўзларни топиш ва уларни тўғри ёзиш, тиниш белгиларини тўғри қўйиш, ўз ҳолатларини топа олиш ва тўғрилаш ақлий ривожланишининг кўрсаткичларидан ҳисобланади” .

Маълумки, нутқда инсоннинг фикрлари билан биргаликда ҳистойғулари ҳам ифодаланади. Бошланғич синфларнинг “Ўқиши китоби” дарслекларида келтирилган бадиий матн намуналарини ўрганиш орқали ўқувчилар ушбу жиҳатни ҳам ўзлаштирадилар. Бадиий матн бадиий асар мазмунини ифодалаган, функционал жиҳатдан тугалланган, тилнинг тасвирий имкониятлари асосида шаклланган, ўзида турли услугуб кўринишларини муаллифнинг бадиий ниятига кўра эркин жамлай оладиган, тингловчи ёки ўқувчига эстетик завқ бериш, таъсир этиш хусусиятига эга бўлган ғоят мураккаб бутунлик ҳисобланади. Шундай экан, бадиий матн устида ишлашда нутқ ўстириш учун кенг имкониятлар мавжуд.

Тадқиқотни олиб бориш даврида, шунингдек, бошланғич синф ўқиши дарсларида матн устида ишлаш орқали нутқ ўстириш жараёнида устувор бўлган тамойиллар ҳам аниқланди. Улар қуидагилардир (1-расм):



1.1-расм. Бошланғич синф ўқиши дарсларида матн устида ишлаш орқали нутқ ўстириш жараёнининг устувор тамойиллари

Ёш хусусиятларини инобатга олиш тамойили. Мазкур тамойил матн устида ишлаш жараёнини ташкил этиш, ўқув топшириқларини шакллантириш, ўқувчиларга индивидуал топшириқ беришда уларнинг ёш хусусиятларига таяниб иш кўриш мақсадга мувофиқ эканлигини англатади. Ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини инобатга олиш: уларни руҳан, жисмонан толиқишлигининг олдини олади; матн билан ишлашнинг самарали кечишини таъминлайди; вақтни тежайди; ўқув мақсадига эришишга имкон беради.

2. Амалий-фаолиятли ёндашув тамойили. Ушбу тамойил бошланғич синф ўқиши дарсларида матн билан ишлаш жараёни, ўқув топшириқларининг амалий машқ, ўйин методларига асосланишини ифодалайди. Ўқувчилар томонидан машқларни бажаришда ўқиш ва ёзиш (ифодали ўқиш, матн мазмунини айтиб бериш, режа тузиш, лугат билан ишлаш, матн устида мустақил ишлаш)га оид амалий ҳаракатларнинг тизимли, изчил ташкил этилаётган фаолият негизида амалга оширилади.

3. Хиссий-эстетик ёндашув тамойили. Бу тамойил бошланғич синфлар учун мўлжалланган ва “Ўқиши китоби” дарслигига киритилган матнларнинг ўқувчиларда ҳиссий кечинмаларни уйғотиш, уларни эстетик жиҳатдан завқлантиришга хизмат қилишини тавсифлайди. Ўқувчиларда ҳиссий

кечинмаларнинг уйғониши, эстетик завқнинг юзага келиши уларда хиссиётни, борлиққа ижобий муносабатни, эстетик дидни тарбиялайди.

4. Тизимлилик ва давомийлик тамойили. Мазкур тамойил бошланғич синф ўқиши дарсларида матн устида ишлашдан иборат ўкув-билиш фаолиятининг тизимли ва давомли кечишини англатади. Бошланғич синф ўқиши дарсларида дастлаб кичик ҳажмли, ўкувчиларнинг қундалик фаолиятида учрайдиган, улар учун яхши таниш бўлган мавзулардаги матнлардан фойдаланилса, аста-секин тадрижий (эволюцион) ривожланиш асосида уларни янги билимлар билан таништириш, нутқни янги сўзлар билан бойитишга имкон берадиган матнларга мурожаат қилинади.

5. Бадиийлик ва ифодавийлик тамойили. Бошланғич синф ўқиши дарсларида матн билан ишлашда ўрганилаётган матнлар бадиий қимматга эга бўлиб, ўкувчиларда китобга, китоб ўқишига бўлган қизиқиши ва мотивацияларни ривожлантиради. Ўқитувчининг дарс жараёнидаги вазифаси матннинг ифодали ўқитилишини таъминлаш бўлиб, ўкувчиларнинг урғуни тўғри қўйиш, яrim ва тўла тўхталишларга риоя қилиш, нутқ суръати ва оҳангига эътибор бериш малакаларига эга бўлишларига олиб келади.

6. Интерфаоллик ва онглийлик тамойили. Ўз моҳиятига кўра интерфаоллик тамойили замонавий дарсларда бўлгани каби бошланғич синф ўқиши дарсларида матн билан ишлашга қаратилган ўкув-билиш фаолиятининг кичик гуруҳларда ташкил этилиши, ўкувчининг индивидуал фаолияти кичик гуруҳлар фаолияти доирасида кечишини англатишга хизмат қиласи. Унга кўра ўкув топшириклари кичик гуруҳларда, ўкувчиларнинг ўзаро, биргаликдаги ҳаракатлари асосида бажарилади. Биргаликда ўкув топширикларини бажаришда ўқитувчи ҳар бир ўкувчининг фаол бўлишини таъминлай олиши зарур. Ўрганилаётган матн юзасидан ҳар бир ўкувчининг мустақил равишда ҳеч бўлмагандага биргина ғояни билдиришини таъминлаш

уларда секин-аста эркин, ижодий, танқидий фикрлаш қобилиятыни ривожлантириш учун замин яратади.

Онглилик тамойили ҳар бир ўқувчи томонидан матнга нисбатан ижодий ёндашилишини, унинг мазмунини етарлича, тўғри тушунилишини, берилаётган топшириқ, саволларга фикрлаш, мулоҳаза юритиш асосида ёндашилишини ифодалайди. Ўқувчиларнинг матнни ўқиши, унинг мазмунини англашга нисбатан онгли муносабатлари ўқув-билиш жараёнида уларда матнда ифодаланган воқеликка нисбатан турли саволларнинг туғилишида яққол акс этади. Ўқувчилар томонидан “Нима учун?”, “Нега шундай?”, “... бўлганда-чи, нима бўлган бўларди?”, “Нега шундай бўлган?” каби ўнлаб саволларнинг берилиши уларнинг матн мазмунини чуқур ўзлаштираётганидан далолат беради.

7. Кўрсатмалилик тамойили. Психологик нуқтаи назардан бошланғич синф ўқувчилари билимларни образли қабул қиласи. Дарс жараёнида кўрсатмали воситалардан фойдаланиш эса уларнинг тасаввурлари аниқ бўлишини таъминлайди. Шу сабабли бошланғич синф ўқиши дарсларида матн билан ишлашда кўрсатмали воситалардан фойдаланиш ўқувчиларнинг тасаввурини янада бойитишга, дунёқарашини кенгайтиришга ёрдам беради.

Бошланғич синфларда кўрсатмалилик сифатида “Алифбе”, “Ўқиши китоби”, “Она тили” дарсларидан берилган суратлардан, табиий обьектлар (табиат манзараси, иншоотлар, буюмлар, жиҳозлар ва ҳок.), турли мавжудотлар (ўсимликлар, қушлар, ҳайвонлар), шахсларнинг хатти-харакатлари (намунали хулқи, одоби, юриш-туриши, ҳаётий тажрибаси)дан фойдаланиш мумкин.

8. Кўп вариантилилик тамойили. Бошланғич синф ўқиши дарсларида матн билан ишлаш орқали ўқувчилар нутқининг ўсганлик даражасини аниқлашда ўкув ва тест топшириқларидан фойдаланиш самарали натижалар беради. Ўкув ҳамда тест топшириқларининг кўп вариантили бўлиши эса ўқувчиларда мантикий фикрлаш, таҳлил қобилиятыни ривожлантиришга хизмат қиласи.

9. Фанлараро алоқадорлик тамойили. Бошланғич синфларда матн билан ишлашда “Үқиши” ва “Она тили” дарслари ўртасида ўзаро алоқадорлик юзага келади. Зоро, ўқувчилар “Она тили” дарсида оғзаки ва ёзма нутқни ифодалаш қоидалари билан таништирилса, “Үқиши” дарсларида ушбу қоидаларга мувофиқ матнни ифодали ўқиши, уни ёзма ёки оғзаки баён қилиш, луғат устида ишлаш, матн устида мустақил ишлашга оид амалий ҳаракатлар ташкил этилади.

10. Ҳамкорлик тамойили. Мазкур тамойил ҳамкорликнинг ўқитувчи-ўқувчи, ўқитувчи-ўқувчилар групхи, ўқувчи-ўқувчилар групхи ўртасида кечишини англатади. Ўқитувчи матн билан ишлашнинг дастлабки босқичида ҳар бир ўқувчига доимий равишда методик ёрдам кўрсатади. Кейинчалик эса ўқитувчининг методик ёрдами зарур вазиятларда берилади. 2-синфдан бошлаб ўқувчи ва ўқувчилар жамоаси (кичик групхлар) ўртасидаги ҳамкорлик доимийлик касб этади ва ўқув топшириқлари биргаликда, ўзаро ҳамкорлик асосида бажарилади.

Ҳикоя ва сұхбат моҳирона бирлаштирилса, дарснинг мақсад ҳамда вазифаларини амалга ошириш ҳам осонлашади. Кузатишлар ўқувчиларни ўқишига тайёрлашнинг ҳам ўзига хос муаммолари мавжудлигини кўрсатди. Айрим ўқитувчилар кириш сұхбати ҳажмини ошириб юборадилар, тайёргарлик ишига 10-15 дақиқа вақт ажратадилар, саволларни тартибсиз қалаштириб ташлайдилар. Ўқиши дарсларида бевосита матнни ўқиши билан боғлиқ бўлмаган бошқа ишларни ҳисобга олганда, дарснинг катта қисми гап билан ўтиб кетади. Бинобарин, 30-35 дақиқа вақт ўқишига ажратилиши лозим.

Сұхбат ва ҳикоянинг ўринли ҳамда мақсадга мувофиқлиги, саволлар миқдори, уларнинг мазмуни ва қўйилиш мантиқи, ҳикоя ҳажми ўқитувчининг диққат марказида бўлиши керак. Одатда, ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибасига яқин мавзуларни ўқишида кўпинча сұхбатга зарурат сезилмайди. Бироқ ўқитувчининг ўқувчиларни мавзуга йўналтирувчи кириш

сўзи, албатта, зарур. Бусиз ўқувчиларнинг асарни тўлақонли идрок қилишларига эришиш мушкул.

Тарихий мавзуга оид ҳикояларни ўқиши олдидан ўқитувчи ўқувчиларнинг Ватан тарихи ва унинг шонли ўтмишидаги буюк сиймолар ҳақидаги билимларини аниқлайди.

Шеърий матнларни ўқишидан олдинги тайёргарлик ишлари анча мураккаб. Лирик асарларни яхлит идрок этиш вазифаси шоир руҳиятига ҳамоҳанг кайфият яратиш, ўқувчиларнинг шоир билан бирга қувониш, ҳайратланиш, қайғуриш туйғусига туртки беришдир. Бунда ўқитувчининг

кириш сўзи қисқа, мақсадга йўналтирилган ҳамда шоир дунёсига киришга

кўмаклашадиган бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, бошланғич синф ўқиши дарсларида ўқитувчининг кириш сўзи матнни ўқиши олдидан тайёргарликнинг етакчи бўғинларидан бири бўлиб, маънавий-ахлоқий тарбия самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг тўғри уюштирилишига боғлиқдир.

### **Адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир // <https://religions.uz/news/detail?id=1227>

2. Сафарова Р., Мусаев У., Мусаев П., Юсупова Ф., Нуржанова Р. Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим стратегияси муаммолари ва таълим мазмунининг янги моделлари, уларни татбиқ этиш йўллари. – Т.: Фан, 2005. – 85-86-б.

3. Педагогический энциклопедический словарь / Гл. ред. Б.М. Бим-Бад. 3-е издание, стереотипное. – М.: Большая Российская энциклопедия, 2009. – 528 с.

4. Qosimova K., Matchonov S., G'ulomova X., Yo'ldosheva Sh., Sariyev Sh. Ona tili o'qitish metodikasi / Boshlang'ich ta'lim fakulteti talabalari uchun darslik. – T.: Noshir, 2009. – 352 b.

5. Pulotova, Y. (2021). Principles of Integration of Primary School Mother Tongue and Learning Classes. *International Journal of Culture and Modernity*, 11, 185-191.

6. Polatovna, A. Y. (2021). Psychological characteristics of speech cultivation by working on the text in primary school reading lessons. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(1), 490-501.
7. Pulatova, Y. PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF SPEECH CULTIVATION BY WORKING ON THE TEXT IN PRIMARY SCHOOL READING LESSONS. *EDAGOGIK AHORAT*, 101.
8. Пўлотова, Ю., & Каримова, С. (2023). БОШЛАНГИЧ СИНФ ОНА ТИЛИ ВА ЎҚИШ ДАРСЛАРИДА АХБОРОТ-РЕСУРСЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ СИФАТИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ НУТҚИНИ ЎСТИРИШ. *Interpretation and researches*, 1(1).
9. Пўлотова, Ю. А., & Каримова, С. (2022). БОШЛАНГИЧ СИНФ ОНА ТИЛИ ВА ЎҚИШ ДАРСЛАРИДА НУТҚ ЎСТИРИШНИНГ МЕТОДИК ИМКОНИЯТЛАРИ. *Scientific Impulse*, 1(5), 797-804.
10. Polotova, Y. (2023). БОШЛАНГИЧ СИНФ ОНА ТИЛИ ВА ЎҚИШ ДАРСЛАРИДА АХБОРОТРЕСУРСЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЎҚИТУВЧИ КОМПЕТЕНТЛИГИ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (*buxdu.uz*), 28(28).
11. Asadovna, Y. (2021). Psychological Characteristics of Speech Cultivation by Working on the Text in Primary School Reading Lessons. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 437-446.
12. Asadovna, Y. (2021). Psychological Characteristics of Speech Cultivation by Working on the Text in Primary School Reading Lessons. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(2), 437-446.
13. Pulotova, Y. (2021). Principles of Integration of Primary School Mother Tongue and Learning Classes. *International Journal of Culture and Modernity*, 11, 185-191.
14. Polotova, Y. (2020). БОШЛАНГИЧ СИНФ ОНА ТИЛИ ВА ЎҚИШ ДАРСЛАРИНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШНИНГ МЕТОДИК ИМКОНИЯТЛАРИ: PRIMARY SCHOOL MOTHER TONGUE AND READING CLASSES METHODOLOGICAL OPPORTUNITIES OF INTEGRATION. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (*buxdu.uz*), 2(2).
15. Пўлотова, Ю. А., & Каримова, С. (2022). БОШЛАНГИЧ СИНФ ОНА ТИЛИ ВА ЎҚИШ ДАРСЛАРИДА НУТҚ ЎСТИРИШНИНГ МЕТОДИК ИМКОНИЯТЛАРИ. *Scientific Impulse*, 1(5), 797-804.